



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 30 - Mart

598 a -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Атамуратов Кенжа  
Қурбондурдиевичнинг турар жой  
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини  
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида яшовчи фуқаро Атамуратов Кенжа Қурбондурдиевичнинг “Ғалаба” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 17 мартдаги ШЯ-А-1148-сонли аризасини, “Ғалаба” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 мартдаги 851-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 57,75 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 215,75 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 273,5 квадрат метр, қурилиш ости майдони 434,5 квадрат метр, умумий ер майдони 1324,3 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Атамуратов Кенжа Қурбондурдиевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Атамуратов Кенжа Қурбондурдиевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огохлантирилсин.

3. Фуқаро Атамуратов Кенжа Қурбондурдиевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев